O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 30 — 32 (3108—3110) 1998 йил 13 март, жума Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИГА БИНОАН МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

### БИРИНЧИ ЎН КУНЛИК ЯКУНЛАНДИ

Кўча ва йўлларда содир этилаётган авария ҳолатлари кўплаб омилларга боғлиқ бўлса-да, камайиб бормоқда. Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бўйича тузилган штабга тушаётган маълумотлардан ана шундай хулоса чиқариш мумкин.

Март ойида кўча ва йўлларда юзага келаётган вазият аварияга қарши курашда маълум натижалар эришилаётганини кўрсатиб турибди. Агар ўтган йил март ойининг биринчи ўн кунлигида ҳар куни ўртача 21та йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган бўлса, бу йилнинг шу даврига келиб бу кўрсаткич 16тани ташкил этди. Ҳалок бўлганлар 15тага, жароҳат олганлар эса 51тага камайган. Болалар билан боғлиқ ҳодисалар 17тага камайиб, шулардан уч нафари вафот этган. Ўтган йил эса 8 нафар бола ҳаётдан кўз юмган эди.

Кўча ва йўллардаги бундай ижобий ўзгаришлар ойлик миқёсида ташкил этилаётган тадбирларнинг самараси дейиш мумкин. Аварияларнинг асосий сабабчиси ҳаракат иштирокчилари эканлиги инобатга олиниб, пиёдалар ва ҳайдовчилар назорати кучайтирилди.

Ушбу ўн кунликда йўл ҳаракати қоидалари бузилиши, хусусан кўпол равишда бузилиши 14 минг ҳолатдан кўп қайд этилди. Транспортни маст ҳолатда бошқарган 2700 нафар ҳайдовчи (300 ҳолатга кўп) транспорт ҳайдашдан четлаштирилди.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давомида йўналишга чиққан транспортлар техник ҳолатини назорат қилиш профилактик тадбири кучайтирилди. Шу билан бирга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаяпти.

### ЖАМОАТЧИЛАР — ТАЯНЧИМИЗ

Пойтахтимизда ҳаракат хавфсизлиги ойлигини муваффақиятли ўтказиш мақсадида жамоатчилар кенг жалб этилди. Йирик корхона, ташкилот ва муассасалардан жадвал бўйича белгиланган фуқаролар шаҳар йўлларида ДАН ходимларига ёрдам бермоқдалар. Улар энг серқатнов чорраҳаларда пиёдаларнинг ҳаракатини кузатиб, қоидабузарларни огоҳлантириб тўғри йўлга солишда фаол иштирок этишяпти.

«Ватанпарвар» жамиятининг туманлардаги спорт-техника клубларида ҳайдовчилик касбини ўрганаётган тингловчилар айниқса, фаоллик кўрсатишяпти. Бўлғувси ҳайдовчилар бу билан кўча ҳаракати қоидаларини амалда ўрганмоқдалар.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бошланишидан олдин биз жамоатчилар билан суҳбат ўтказиб, уларнинг вазифаларини тушунтирдик. Айни кунларда шаҳарнинг ҳамма йирик кўча ва чорраҳаларида жамоатчиларни учратиш мумкин. Шу ўринда, Миробод, Яккасарой туманларининг спорт-техника клублари, 41-ҳунар-техника билим юртининг жамоаси намунали даражада иштирок этаётганликларини қайд этиш мумкин. Мамлакат миқёсида ўтказилаётган бу тадбир пиёдалар, ҳайдовчиларга катта сабоқ бўлиши шубҳасиз.

**Р. ГИЗАТУЛЛИНА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБ тарғибот бўлими катта нозири, милиция майори.**



Сурхондарё вилояти ИИБ ДАНБ ходими, милиция старшинаси Рашид Ашуров шу соҳада 1990 йилдан бери ишлаб келмоқда. У ўзининг фидойилиги, касбига меҳр қўйганлиги билан ажралиб туради. «Милиция аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Суратда: Р. Ашуров ҳамон яқин ҳамроҳи мотоцикли билан.

Б. АБДУРАСУЛОВ олган сурат.

### БАРЧАГА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги вилоятда қандай ўтказиляпти, ўтган давр ичида бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

Тошкент вилояти ИИБ Давлат автомобиль назорати бошқармасида вилоятдаги шаҳар, туман ИИБ ДАН бошлиқлари иштирокида ўтказилган йиғилиш ана шу мавзуга бағишланди. Уни вилоят ИИБ бошлиғининг муовини, милиция полковниги Эргаш Эркаев кириш нутқи билан очди. У ҳаракатланиш ойлигида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳволи тўғрисида тўхталди. Шу билан бирга ҳукуматимизнинг бу қарори вилоятдаги ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот, хўжалик раҳбарлари, айниқса, техникага дахлдор мутахассисларнинг зиммасига катта масъулият юклаганини, жойларда ДАН ходимлари ҳаракатланиш хавфсизлиги бўйича жиддий ишлар олиб бораётганларини айтиб ўтди. Маърузачи йиғилишда бу масъулиятли вазифани чуқур англаб етмаётган, оқибатда ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигида халқ хўжалигининг турли тармоқларига хизмат кўрсатувчи автокорхоналарда ишлар талаб даражасида ташкил этилмаётганини, бундан ДАН ходимлари ўзлари-га зарур хулоса чиқариб олишларини уқтириб ўтди.

Йиғилишда вилоят ИИБ ДАНБ бошлиғи, милиция полковниги С. Азаматов, унинг муовинлари милиция полковниги М. Йўлдошев, милиция подполковниги Ҳ. Тошкентбоевлар сўзга чиқдилар.

**Мурод ТИЛЛАЕВ.**

**Ҳаракат хавфсизлиги ойлигига бағишланган материалларнинг давомини 11-бетда ўқийсиз.**

### БАХТ-ИҚБОЛ СИЗГА, АЁЛЛАР!

Республика ИИВ клубида Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантана бўлиб ўтди. Муҳтарама аёлларимизнинг дидига мос савдо ташкил этилди, байрам дастурхони тузалди.

Ҳамма шод-хуррам. Республика Ички ишлар вазирининг муовини, ички хизмат полковниги Ш. Мавлянов Ички ишлар вазирининг аёлларимизга байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Республика ИИВ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ғафур Раҳимов, ИИВ хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари, милиция подполковниги Жўрахон Қаюмовалар сўзга чиқиб, йиғилганларни қутлуғ айём билан муборакбод этишди.

Шундан сўнг А. Навоий номидаги опера ва балет театри биносида концерт намойиш этилди.

* * *

8 март куни арафасида Ҳамза номидаги ўзбек давлат Академик драма театри биносида Тошкент вилояти ички ишлар идоралари тизимида меҳнат қилиб келаётган аёлларимиз учун кеча ташкил этилди. Ушбу тадбирда сўзга чиққанлар Оила йилида фарзандларимиз камоли ва юртимиз истиқболи йўлида меҳнат қилиб келаётган посбон аёлларга улкан омадлар тиладилар. Таниқли санъаткорлар ижро этган куй ва қўшиқлар тантанага ўзгача файз бағишлади.

Театр жамоаси «Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома» спектаклини намойиш этди.

### РЕСПУБЛИКА ИИВ ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**ФАРҒОНА**. Қиргули тумани ИИБ ходимлари тезкор қидирув ишларини ўтказдилар. Унда 6-болалар боғчаси тарбиячиси, 1974 йилда туғилган Е. Ф.нинг хонадонидан «РПГ-2» русумли гранатомёт ва бир дона қўлбола тўппонча топилди. Е. Ф. ушланди. Тергов ҳаракатлари олиб борилаяпти.

**ТОШКЕНТ**. Зангиота туманидаги Ўртаовул қўрғонида яшовчи, ишламайдиган А. З.нинг хонадонидан 3 килограмм гиёҳвандлик моддаси топилди. А. З. ҳибсга олинди.

**НАВОИЙ**. Ички ишлар ходимлари навбатдаги «Арсенал» тезкор тадбирини ўтказдилар. Тадбирда Кармана шаҳар А. Дониш кўчасида истиқомат қилувчи, ишламайдиган А. Ў.нинг уйидан рақами ўчирилган «ТТ» русумли тўппонча ва УЗ РГД-2 русумли жанговар граната топиб олинди. Тергов хонадон эгаси бу жанговар қуролларни қаердан ва нима мақсадда олганини аниқлаб беради.

**СИРДАРЁ.** Янгиер шаҳар Баҳор кўчасида истиқомат қиладиган В. Мирова йўқлигида хонадонига ўғри тушиб, умумий миқдори 134.000 сўмлик турли хил буюмларни ўмариб кетди. Жабрланувчи бу ҳақда милицияга ўз вақтида хабар қилгани туфайли кўп ўтмай ушбу жиноятни содир этган шахслар аниқланиб, қўлга олиндилар.

**САМАРҚАНД.** Ургут тумани ИИБ ходимлари навбатдаги тезкор тадбирда бир килограмм героинни 19.000 АҚШ долларга сотган шахсларни қўлга олдилар. Ушбу факт юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

**БУХОРО**. Шаҳардаги Водник кўчасида истиқомат қилувчи З. Фармонова мурожаат этиб, хусусий тижорат билан шуғулланувчи эри Б. Фармоновни номаълум шахслар зўрлик билан олиб кетишиб, эвазига ундан 6000 АҚШ долларини талаб қилаётганларини билдирди.

Тезкор гуруҳ аъзолари товламачилар З. Фармоновадан 5000 сўм пулни олаётганларида қўлга олдилар. Б. Фармонов қутқариб олинди.

**ЖИЗЗАХ**. Шаҳар ҳокимияти уй-жой қурилиш бўлими меъмори, 1961 йилда туғилган У. Б. иш жойида Ёшлик маҳалласида яшовчи Х. Қуроловадан унга уй қуриш учун ер ажратиб бериш эвазига 10.000 сўм пулни пора сифатида олаётганда милиция ходимлари томонидан ушланди.

**СУРХОНДАРЁ**. Термиз шаҳар ат-Термизий кўчасида яшовчи, 1969 йилда туғилган Т. Дадабоев бошқарувидаги «М — 412» русумли, Ж 17—95 СД давлат белгили автомашина тўхтатилиб текшириб кўрилганда, унинг йўловчиси, вилоят шифохонаси ҳайдовчиси А. А. нинг ёнидан «АК-74» русумли автомат ва унинг 26 дона ўқлари топилди. А. А. қўлга олинди.

### ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасида Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлими хизмати ходимлари, раҳбарияти, вилоятнинг шаҳар, туман ички ишлар идораларининг паспорт хизмати бошлиқлари ва ходимлари иштирокида кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашни вилоят ИИБ бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Тельман Муродхўжаев очиб, бугунги кунда Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлими ходимлари зиммасига Президентимиз, ҳукуматимиз ва Ички ишлар вазирлиги томонидан юклатилган вазифалар ва улар қай даражада бажарилаётганлиги ҳақида, шунингдек, жорий йилда ва ундан кейинги даврда шу йўналишда олиб бориладиган ишлар хусусида батафсил тўхталди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Бадриддин Шорихсиев сўзга чиқиб, тизимда олиб борилаётган ишлардаги ижобий ва салбий ҳолатлар тўғрисида гапирди.

Шундан сўнг вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги Қаҳрамон Жаводов маърузага чиқиб, вилоятда миллий паспорт бериш юзасидан 1995 йилдан ҳозирги кунгача қилинган ишлар тўғрисида батафсил ахборот берди. Ҳозирги кунга қадар вилоятда 879540 та кишига Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти берилган. Маърузачи бу борадаги ютуқ ва камчиликларга ҳам алоҳида тўхталди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев иштирок этди ва сўзга чиқди.

**С. ЗОҲИДОВ.**

## СУРАТЛИ АХБОРОТ





Оҳангаронда қачон бўлманг, кўча-кўйда тартиб-интизом, хонадонларда осойишталик ҳукм сураётганини кўрасиз. Бу бежиз эмас, албатта. Туман ички ишлар бўлими ходимлари турли жиноятларнинг олдини олиш, рўй берганларини ўз вақтида очиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш учун бор имкониятларни ишга солишаяпти. Бунда барча хизматлар ўзаро ҳамкорликда иш кўришаётгани яхши самара бераётир.

Содир этилган жиноятларни сифатли тергов қилиш, терговчилар маҳоратини ошириб бориш ва бошқа қатор вазифаларни амалга ошириш тергов бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Акром Оқбоевнинг зиммасида. У ўз ишини пухта билиши туфайли жамоа яхши натижаларни қўлга киритаяпти. Ўтган йил якуни бўйича ўнлаб жиноий иш судга юборилгани, жиноий ишлар ундан олдинги йилга нисбатан 16 тага кўп тугатилгани фикримизнинг далилидир.

Март — ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги, деб эълон қилингани Давлат автомобиль назорати ходимларининг ҳушёрлигини янада орттирди. Улар йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги самарадорлигини ошириш, автоавариялар сони камайишига эришиш учун бор куч-ғайратларини аямаётирлар. Туман ИИБ ДАНБ йўл-патруль хизмати нозири, милиция старшинаси Абдужаббор Қувватов ҳам бундай хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Қорахитой қишлоғи, Нўғойқўрғон ва бошқа аҳоли яшаш жойларидаги кўча ҳамда йўлларда назорат олиб бораяпти. У «Тозалаш», «Тун» каби тадбирларда ҳам фаол иштирок этди.

**Суратларда: тергов бўлинмаси бошлиғи, милиция майори А. Оқбоев жиноятчидан олиб қўйилган ашёвий далилларни кўздан кечирмоқда: ДАНБ йўл-патруль хизмати нозири, милиция старшинаси А. Қувватов ҳайдовчининг ҳужжатларини текшираётган пайт.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## НАЙРАНГИ ЎТМАДИ

Мурод Каримов бирон касбнинг этагидан тутмаган. Сипойи кийинишидан бирон мартабали шахс деб ҳам ўйлайсиз. Гапдонлиги-чи? Даврадошларини афсунлайди. Кўплар уни ўзимизнинг Остап Бендер дейишаркан. Содда, гўл одамлар беихтиёр унга тавозе қилиб юборганлигини сезмай қолишади. Гапдан тўн бичиб, бошқаларни кафангадо қилишини хаёлларига келтиришмайди.

Мурод Каримов ўтган йилнинг ёз ўрталари Косон туманига йўл олди. Туманда узоқ кун тимирскиланиб юрди. Омадингиз чопса, бехосдан осмондан чалпак ёғилишига ишонаверинг. Муродбой деҳқон фермер хўжалиги бошлиғи Илҳом Эгамовга йўлиқди. Айни ғалла мавсуми эмасми, Мурод унга баҳоналарни қалаштириб ташлади.

— Коррупцияданман! — юзи безрайиб гапга тушди Мурод Каримов. — Ўн уч кундан буён хўжалигингизни текшириб юрибман. Устингиздан ариза тушган.

— Нимани талон-торож қилибмиз, биродар, — ҳайрон бўлди Илҳом Эгамов.

— Эҳ-ҳе, тишингиз тошга тегмаган одамга ўхшайсиз? — ўзича зарда қилди Каримов. — Коррупциянинг нима эканлигини биласизми, ўзи?!

— Биламиз. Товламачилар, босқинчилар, ҳаромхўрларни тумшуғидан илдириб, адабини беради, — дея соддагина ифодалади Эгамов.

Муроднинг ранги бир зум қув учди. Аммо муз кўчди қабилида билдирмаслик учун иягини чўзди.

— Ўзингиз яхшигина билар экансиз. Хоҳласа ариқ қазиб, хоҳламаса кўмиб ташлашини ҳам кўздан қочирмабсиз. Муштдек фермер хўжаликка бошлиқ экансиз-у оғзингиздан олов чиқади. Нима, мен сизга эртак айтаяпманми, а?

Мурод Каримов «мижози»га ошкора дўқ қилишга ўтди.

— Эллик минг сўм! — дабдурустдан шарт қўйди Муродбой. — Сиз учун бу кесакни ушатишдай гап. Биз ҳам бошлиққа тезак тутмаймиз.

Илҳом Эгамов бироз ўйланиб қолди. Тағин коррупциядан бўлса-я! Бўлса бўлар, бировнинг арпасини хом ўрмаса, қўлидаги пулига қўл чўзмаса! Қўрқиш шартми? — ўзига-ўзи далда берди у. Хуллас, Мурод Каримовга 50 минг сўмни келтириб беришга кўнди. Унгача «коррупция ходими»нинг таг-тугини суриштириб олишга вақт етарли эди.

— Майли, ака, бир келибсиз, раъйингизни қайтариб ўтирсак яхши бўлмас, — содда муғомбирликка олди ўзини у. — Қаерда учрашамиз.

— Бу бошқа гап, — бироз тушди Мурод Каримов. — Қарши шаҳридаги Пахтазор митти тумани «Савдо» маркази рўпарасида бозор бор. Мен сизни эртага кеч соат еттиларда ўша ерда кутаман.

Улар ими-жимида хайрлашишди. Шу куни Илҳом Эгамов вилоят ички ишлар бошқармаси Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси раҳбарларига учрашиб, ариза ташлади. У ердагилар бундай шахсни танимасликларини билдиришди. Дарҳол тезкор гуруҳ тузилди. Кеч соат 7 ларга яқин Мурод Каримов «мижоз»ини бозор олдида кутарди. Илҳом Эгамов унинг ҳузурига яйраб чиқди. Улар қадрдонлардек сўрашди. Илҳом тутган пулни Мурод иржайиб қўлига олиб, энди шими чўнтагига тиқмоқчи бўлганда, фуқаро кийимидаги милиция ходимлари унинг қўлидан тутишди. У ўқ илондай бир тўлғандию тинчиди. Чунки ортиқча уринишга ҳожат ҳам қолмаганди. Илҳом Эгамов унга кулиб қараб турарди. Мурод қалампир ютгандай юзини буриштириб, бош эгди.

«Коррупция ходими» Мурод Каримовнинг найранглари, товламачилигини Қашқадарё вилоят ИИБ Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси тергов бўлими терговчиси, милиция подполковниги Жомурод Турсунов фош этди. Суд ҳукми билан гапга ёлғондан тўн бичиб, ҳуқуқ-тартибот идораси номидан иш кўриб, мўмай пул топмоқчи бўлган товламачи Мурод Каримов жиноий жазога тортилди.

**Ў. ҲАЙДАРОВ,**
**Қашқадарё вилояти.**

## ТАЖРИБАСИ ҚЎЛ КЕЛДИ

Участка катта вакили, милиция капитани Абдупатто Турсуновнинг қаршисидан икки нотаниш йигит чиқиб қолди. Улар милиционерни кўриб, бироз саросимага тушишди. Участка вакили йигитлар билан саломлашиб, қаердан келишаётганини ва халтасида олиб кетаётган нарсалар билан қизиқди.

— Бозордан келаяпмиз, ул-бул нарсалар харид қилгандик, — деди улардан бири.

Кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган милиция капитанининг уларнинг юз-кўзларига қараб шубҳаси яна ортди ва халтани очиб кўрсатишини айтди. Абдупатто нафталин ҳиди келаётганини сезди, демак, буюмларнинг ҳаммаси сандиқдан ўмарилган.

Участка катта вакили йигитларни бўлинмага олиб келди. Суриштирув давомида уларнинг аввалги қинғир ишлари ҳам очилиб қолди. Йигитлар ўғирликни гуруҳ бўлиб содир этишар экан. Гуруҳ бошлиғи икки нафар фарзанднинг отаси, илгари судланган Иброҳим У., шериклари Алишер Т. ҳамда Соҳиб М.лар бўлиб чиқди. Ёшлигининг дуркун палласини зах девор ичида ўтказган Иброҳим укалари тенги йигитларни қинғир ишларга бошлади. Улар биргаликда Боғишамол даҳаси, Ойбек, Дукчи Эшон, Олмазор, Самарқанд кўчаларидаги хонадонларда бир неча ўғирликларни содир этиб, «даромад» қилишган экан. Ўғриларнинг жиноятлари фош қилинди.

**Зарифа УСМОНОВА.**
**Андижон шаҳри.**

*Нуқтаи-назар*

## БЎШЛИҚНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ ТЎЛДИРИЛАДИ?

Ўша куни Дарғом каналидаги сув сатхи пасайиб кетди. Унинг тубидан бутага илиниб қолган, миллий кийимдаги аёл кишининг жасади топилди. Тананинг бир неча жойига пичоқ билан жароҳат етказилган эди. Суд-тиббиёт экспертизаси ҳалок бўлган аёлнинг олти ойлик гумонаси ҳам борлигини аниқлади. Демак қотиллик оқибатида икки киши ўлдирилган эди.

Прокуратура ва жиноят-қидирув бўлими ходимларидан иборат тезкор гуруҳ аъзолари каналнинг юқори қисмида яшовчи аҳоли ўртасида суриштирув ишлари олиб борди. Жасад 17 ёшли Н. Раҳиманики эканлигини аниқлаш унча қийин бўлмади. Қариндошлари уни чўкиб кетган деб ўйлашганди. Чунки жасадни каналдан қидириб топа олмаган эдилар.

Оилада бир неча қиз ва ўғил бола яшарди. Қотил айнан шу хонадон аъзоси, яъни Раҳиманинг акаси бўлиб чиқди. У синглиси ҳали турмушга чиқмай туриб ҳомиладор бўлганини пайқаб қолади ва жаҳл устида бир неча жойига пичоқ уриб, жасадни каналга улоқтиради...

Бошқа бир аёлнинг жасади қўшни Жиззах вилояти марказидан икки километр олисдан топилди. У унча чуқур бўлмаган, тупроқ ташланган ўрада юзтубан ётар, бўйнида эса у бўғиб ўлдирилган сим кўриниб турарди. Вилоят прокуратураси ва Республика ИИВ ЖҚБ ходимлари уч ой деганда ушбу қотилликни аёлнинг туғишган опаси уйи ва мулкига эгалик қилиш мақсадида содир этганини аниқлашди. Жиноятга ҳатто жабрланувчининг неваралари ҳам устомонлик билан жалб этилган эди.

Самарқанд вилоятида рўй берган яна бир воқеани олиб кўрайлик. Туманлардан бирида йўл четида турган автомашинадан эркак кишининг жасади топилди. Қотиллик жабрланувчининг қайниси томонидан, шахсий адоват туфайли қилингани маълум бўлди.

Навбатдаги мисол Тошкентдан. Рустам деган кимса янги танишини холасиникига «меҳмон»га таклиф этади. Совға сифатида... пичоқ олиб борадилар. Хонадон соҳибини оғир жароҳатлаб ўлдиришади. Рустамнинг шериги уй бекасини минг азобга солади. Шундан сўнг улар барча қимматбаҳо буюмлар ҳамда пулларни бир жойга тўплаб, ҳам қайғу, ҳам даҳшатга тушган аёлнинг кўз олдида кайф-сафо қиладилар...

Шуни айтиш лозимки, тўрт ҳолатда ҳам қотиллар ва уларнинг шериклари мутлақо соғлом, ақл-ҳуши жойида. Бу бизнинг кўнглимизни мутлақо хотиржам қилмайди. Балки шифокорлар аксинча хулоса чиқаришганда дуруст бўлармиди. Зеро, тентак одамдан нимани ҳам талаб қилиш мумкин.

Инсон дунёга келар экан, ҳаётининг дастлабки кунларидан ота-онаси ва яқинлари ғамхўрлигидан баҳраманд бўлади, қачонлардир ўз яқинларининг қотилига айланишини хаёлига келтирмайди. Унда нега юқоридагига ўхшаш ҳолатлар келиб чиқмоқда. Бизга нима бўлаяпти ўзи? Нега айрим кимсалар ўзларининг ғараз мақсадлари, эҳтирослари учун қонунни оёқ ости қилишаяпти ва оқибатда оғир жиноятлар келиб чиқмоқда? Шу каби саволлар кишини чуқур ўйга толдиради.

Кейинги пайтда фуқароларимизнинг ҳуқуқий билимлари оширилишини кўзлаб талайгина ишлар амалга оширилаяпти. Аммо ахлоқий тарбия менинг назаримда ҳали талаб даражасида эмас. Даврий нашрлар саҳифаларида одам ўлдириш, босқинчилик, фирибгарлик ва бошқа турдаги жиноятлар ёритиб борилаяпти. Бундай қабиҳликка қўл ураётган кимсаларнинг қилмиши фош қилинмоқда. Бу яхши албатта. Лекин бундай ҳолатлар нега келиб чиқаётгани ва уларга қарши курашиш чоралари аниқ-равшан кўрсатиб берилмаяпти. Сабаби тайин. Ушбу ҳолатларни санаб ўтиш уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этишдан осонроқ. Бинобарин, матбуотда ошкора сўз, тайинли фикр айтиш учун чуқур билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлмоқ лозим.

Ҳуқуқий тарғибот олиб бориш ва саводхонликни ошириш нечоғли аҳамиятли эканлигини таъкидлаш билан бирга бир нарсага тўхталиб ўтишни истардим. Бугунги кунда илдизи тобора чуқурлашиб, жамиятга ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, диний-ахлоқий, ҳатто ирсий томондан катта зарар келтираётган юзлаб жиноятлар маълум. Бундай вазиятдан чиқиш учун аввало бир қатор ижтимоий-профилактик тадбирларни амалга ошириш, ҳуқуқий билимларни эгаллаш талаб этилади.

Ҳар бир инсонда адолат, жамият ахлоқийлигига ишонч юзага келаётган кўплаб муаммолар ечимининг калитидир. Бинобарин, ахлоқийлик бу шахснинг барча ишга масъулият билан ёндошуви, ўзини ҳар томонлама бошқара олиши, жамиятда рўй бераётган воқеалардан хулоса чиқариб, тўғри йўналишларни танлай олиши, десак хато қилмаймиз. Ушбу йўналишлар эса ҳаётий тажрибалар орқали мустаҳкамланмоғи лозим. Шундагина ўйланган мақсадга осонгина эришиш мумкин. Шу ўринда ҳар бир оила, мактаб ва жамоаларда маънавиятни шакллантиришга қаратилган ишларни ташкил этиш яхши натижа беради.

Бошимизга тушаётган ташвишлардан кўз юмиб кетиш мумкинми. Йўқ, асло. Айрим мутахассисларнинг айтишича, аҳолида ҳуқуқий муносабатлар шакллантирилса жиноятлар кескин камаяр эмиш. Бошқа бировлар эса жазо чоралари кучайтирилса камайишига эришилади, деб ҳисоблашади. Табиий бир савол туғилади. Нега унда бундай фикрлаш оддий одамларга қараганда ҳуқуқий тайёргарлиги бир мунча юқори бўлган бир неча марта қамалиб чиққан шахсларга тўғри келмайди. Чунки улар ҳуқуқий «билим»ни ҳаёт зарурати туфайли эгаллаганлар-да. Ваҳоланки бунинг самараси ҳуқуқшунослик олий билимгоҳида ўқиётган талабаникидан мукаммалроқдир.

Бир сўз билан айтганда ҳуқуқий билимлар ҳаётий кузатишлар ҳамда хулосалар орқали амалий жиҳатдан мустаҳкамланиб борсагина маънавиятимиздаги бўшлиқнинг ўрни тўлдириб борилади ва бу кутилган самарани беради.

**В. БЎРОНОВ.**

# ЯКШАНБА, 22

## ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 «Камалак».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Келди Наврўзи олам». Болалар учун мусиқий композиция.
11.15 «Ёзувчи ва замон».
11.45 Кундузги сеанс. Бадиий фильм.
12.55 «Қалбим тароналари». Мусиқий дастур.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
13.30 «Ёшлик баҳори».
14.50 Бадиий фильм.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Темирйўлчи» (Қўқон). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Телефильм.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.15 «Ёшлик» студияси. «Нима учун?».
18.35 «Олам қўшиққа тўлсин».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Саҳна ҳаёти».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.45 Телевизион миниатюралар театри.
22.30 Спорт. Спорт. Спорт.
«Аср мўъжизаси» дастури.
22.50 «Кино янгиликлари».
23.05 Ўзбек киноси ижодкорлари.
23.25—00.35 «Бу ҳам кино». Сериал.

## ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Болалар экрани.
9.10 «Катта танаффус». Телеўйин.
9.50 «Дилбарим».
10.05 «ТВ ва театр».
10.25 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
11.45 «Изҳор».
12.10 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
12.40 «Гап йўқ...»
13.40 «Очун».
«Якшанбада яхши дам» дастури.
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 Жаҳон халқлари эстрадаси.
14.30 «Ёднома». Мирзо Улуғбек.
15.10 «Интер-футбол».
15.50 «Сиз ёқтирган қўшиқлар».
16.10 «Бари ҳазил».
16.20 Мультипанорама.
16.40 «Мафтунингман». Бадиий фильм.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бўш ўтирма».
18.35 Турфа олам.
19.00 «Нафосат».
19.10 Келгуси ҳафтада.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Жараён».
20.15 Тақвим, оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 «Қалб тароналари».
21.20 «Даракчи».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Миллионлар ўйини».
22.50 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

## ЎзТВ III

**Россия жамоат телевидениеси. 18.10—00.20**

00.25—00.50 «Панорама» (рус тилида).

## ЎзТВ IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?
9.55 «Якшанба эртаги».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
12.00 Киносалон.
14.00 «Ракурс».
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип-антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.30 Мультэкран.
16.50—17.10 «Сенинг вақтинг».
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мульттомоша».
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.50 «Бугунги кун мавзуси».
20.05 Клип-антракт.
20.15 «Хайрли оқшом».
20.45 «Иштирок этувчилар».
21.05 «Буржлар башорати».
22.00 Киносалон.
23.45 Жаҳон киноси янгиликлари.
00.15—00.25 «Хайрли тун!».

## 30-канал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ»
10.00 «Самонинг кашф этилиши».
11.00 «Брюс Лазер» таништиради.
12.45 «Устозимиз доктор Шпехт». Телесериал.
13.40 «ТВ-ҳамкор».
14.00 «Лос-Анжелес қонуни». Детектив сериал.
15.00 «Брюс Лазер» таништиради.
17.00 А. Назаровнинг тиббиёт маркази.
17.30 «Моделлар академияси». Ёшлар учун сериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Манстровлар оиласи». Комик сериал.
19.00 «Махфий ҳужжатлар». Телесериал.
19.50 «ТВ-ҳамкор».
20.10 «Альфред Хичкок таништиради». Телесериал.
20.40 «Висол». Мусиқий дастур.
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.25 «Клип-сюрприз».
21.40 «Кордье». Детектив телесериал (АҚШ).
23.05 «XL-music». Мусиқий дастур.
23.30 Спорт кўрсатуви.
24.00 Фестиваллар фестивали. «Ўлсин, ҳайвон». Криминал-психологик драма.

## ҚозТВ

8.05 «Уйғон ва куйла».
8.35 «Фудзияма». Спорт машқлари.
8.50 «Қозоғистон чавандозлари».
9.10 Болалар мусиқий табрик дастури.
9.30 «Талисман» болалар видеостудияси «Сафари» янгиликлари дастурини таништиради.
10.00 «Товушлар музейи».
10.30 «Еркем-ай».
11.00 Ҳужжатли фильм.
11.55 «Марҳабо, Наврўз!».
12.30 «Энши балапан».
13.00 «Сирлашайлик» Аёллар телеклуби.
13.30 «Кино санъати».
14.00 «Ипак йўли». Телеэкспедиция.
14.30 «Замин соҳиби».
14.50 Маданият янгиликлари.
15.00 «Ютуқ» салони.
15.30 «Жейн Эйр». Бадиий фильм. 2-серия.
16.20 «Мумтоз санъат соати».
16.50 «Бойтумор».
17.20 «Ёшлар: муаммолар йўқми?».
17.55 Концерт.
18.15 «Экспресс-ГООD».
18.40 «Формула S».
19.00 «Шахс». Жанна Ахметованинг муаллифлик кўрсатуви.
19.25 «Наврўздан Наврўзгача». Ҳужжатли-публицистик кўрсатув.
19.55 «Мусиқий карвон».
20.05 «Олтин дала». Телеўйин.
20.35 «Қоракўз».
21.10 Қозоғистон телевидениеси — 40 ёшда.

## РЖТ

8.00 Россиянинг буюк изқуварлари «Петербург полициячисининг изқувари» детективида.
9.25 «Дисней-клуб»: «Ўрдак воқеалари».
9.55 «Спортлото».
10.00, 15.00, 00.20 — Янгиликлар.
10.10 Дм. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.10 «Тонг юлдузи».
12.00 «Армия дўкони».
12.30 «Янгра, гармонь!».
13.00 «Деҳқонлар хабарномалари».
13.30 «Кусто командасининг сувости одиссеяси» сериали.
14.25 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
15.15 «Саёҳатчилар клуби».
16.05 Рудольф Нуриев. Портретига чизгилар.
16.30 «Дисней-клуб»: «Винни-Пухнинг янги саргузаштлари».
16.55 «Дисней-клуб»: «Чип ва Дейл ёрдамга ошиқмоқда».
17.25 «Тарих ғилдираги».
18.15 «Аралаш-қуралаш» киножурналидаги қувноқ воқеалар.
18.30 «КВН-ассорти».
19.05 «Олтин серия». Леонид Биков «Максим Перепелица» фильмида.
20.55 «Киноафиша».
21.00 «Время».
21.55 Майкл Дуглас Оливер Стоуннинг «Уолл-стрит» фильмида.
00.30 Футбол шарҳи.
01.05 «Одамови» жангари фильми.

## РДТ

7.00 «Тонгги экспресс».
7.50 «Ватанимга хизмат қиламан!».
8.15 Мультфильм.
8.25 «Кучугурлар ва унинг теварак атрофи». Ҳужжатли сериал.
9.35 «Кузяга қўнғироқ қилинг». Болалар интерактив ўйини.
10.05 «Хайрли тонг, юртим!».
10.55 «РДТ почтаси».
11.05 «Аншлаг ва Ко».
12.00 Ўсмирлар учун дастур.
12.50 «Китоблар олами» Леонид Куравлёв билан.
13.05 «Парламент соати».
14.00 «Вести».
14.35 «Қонун ва тартиб». Телесериал.
15.30 «Ҳайвонлар ҳақида мулоқот».
16.30 «Пульс».
16.55 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
17.25 «Рус лотоси».
18.05 «Эски квартира. 1968 йил». 1-қисм.
19.40 «Ўз вақтида».
20.10 Чак Норрис «Сукут кодекси» фильмида.
22.00 «Кўзгу».
23.00 «К-2» таништиради.

## ТВ-6

9.35, 17.35 — «Севсанг — қара». Видеоклиплар.
9.25, 19.35 — «Йўл назорати».
9.25 «Диск-канал».
10.25, 10.55, 15.50 — Мультфильмлар.
11.20 Болалар сеанси. «Қорқиз».
12.55 «Мазаси оғзингда қолади». Таомлар шоуси.
13.30, 19.30 — «ТСН-6».
14.00 «ТВ-6» кинотеатри. Чарли Чаплин комедиялари тўплами.
15.35 «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
16.05 «Канон».
16.40 Дам олиш куни сериали. «Хазиналар оролига қайтиш». 3-серия.
17.50 «XX асрнинг буюк сирлари ва афсоналари». Ҳужжатли сериал.
18.25 «Ҳафта спорти».
19.00 «Рекордларга қасдма-қасд!». Ҳажвий кўрсатув.
19.50 «Миллий география жамияти» билан саёҳат.
21.00 «Обозреватель» таҳлилий кўрсатуви.
22.00 «Фитиль». Ҳажвий киножурнал.
22.15 «ТВ-6» кинотеатри. А. Жигарханян, В. Перез «Ҳаёт чизиғи» фильмида.
00.20 «Довдир». Ҳажвий сериал. 5-серия.
00.55 «Такси ТВ-6».
01.05 — 02.50 «Партиявий ҳудуд» теледискотекаси.

## НТВ

10.00 «Ғилоф бандаси» фильми.
11.35 «Тоғлик». Болалар учун мультсериал. 34-серия.
12.00 «Бугун эрталаб».
12.10 «Полициячиларнинг оддий иш кунлари».
12.30 «Мени тушун» телеўйини.
13.00 «Зена — жангчилар қироличаси». 7-серия.
13.45 «Винт»дан бошлаб...»
14.00 «Мўмай пуллар».
14.20 «Бола тилидан» телеўйини.
14.50 «Футбол асри».
15.20 Эски кино санамлари. Массимо Джиротти ва Лючиа Бозе «Бир муҳаббат қиссаси» фильмида (Италия).
17.00 «Рус асри». Николай Сличенко Андрей Караулов билан суҳбатда.
17.30 «Криминал Россия. Замонавий хроникалар». Ҳужжатли сериал. 6-фильм. — «Иуданинг бўсаси».
18.00 «Бугун кундузи».
18.15 «Нью-Йорк. Марказий хиёбон». 19-серия.
19.10 XX аср сиймолари. «Берия — Сталиннинг издоши» (Буюк Британия).
20.00 «Якунлар». Муқаддима.
20.30 «Ватерлоо» эпопеясида (Россия — Италия).
23.00 «Якунлар».
24.00 Евгений Сидихин ва Игорь Тальков «Охирги чегарадан ҳам ўтди...» ўткир сюжетли фильмида.
02.00 «Якунлар». Тунги суҳбат.
02.30 «Якунлар». Спорт.
03.00 Дам олиш куни сериали. «Даҳма латифалари». 1-серия.

## АСТ

13.00, 16.30, 21.00 Мультсериал, 8-қисм.
13.25 ''Авлиё'' телесериали, 29-қисм.
14.30, 16.55, 21.30, 23.10 ''Квантум'' теледўкони.
15.00 TBN телекомпанияси дастури.
16.00 Би-би-си телекомпаниясининг. ''Таянч нуқтаси'' дастури.
17.05 ''Морена Клара''. Телесериал, 19-қисм.
18.05, 23.20 ''Голливуд'' дўкони.
18.15 Кўпиравер!
18.30 ''Элита'' хонимлар клуби.
18.45, 23.30 ''Касби - шифокор''. Телесериал, 85-қисм.
20.00 TBN телекомпаниясининг мусиқий дастури.
20.30 Мусиқий дастур.
21.40 Буларнинг барчаси - кино.
22.15 ''Авлиё'' телесериали, 30-қисм.
0.30 - 1.00 Мусиқий вернисаж.

## REN TV

15.00, 1.25 Кремль атрофида.
15.30 ''Лос-Анжелес қонуни'' телесериали.
16.30 ''Ғаройиб воқеалар'' телесериали.
17.00 ''Жилетт'' нигоҳида спорт олами.
17.30 ''Ҳеч қачон'' фильми.
19.15 Мусиқий коллекция.
19.30 ''Моделлар академияси'' сериали.
20.00 ''Монстрлар оиласи'' комедия сериали.
21.00 ''Махфий материаллар'' сериали.
22.00 ''Альфред Хичкок тақдим этади'' телесериали.
23.30 ''Кордье'' телесериали.
1.55 ''Лўли'' драмаси, (Франция).

## ТВ МАРКАЗ

9.00 Якшанба мактаби.
9.10 ''Ёнимга ўтир, Мишка'' бадиий фильм.
10.25 Мультфильмлар.
11.15 Нуқтаи назар.
11.45 Команда-98.
12.00 ''Динки Дайс''. Мультсериал.
12.30 ''Болалар учун ''Ўсиш витамини'' телеканали.
13.25 ''Дик Торпин'' сериали.
13.55, 17.55, 1.20 Янгиликлар.
14.00 ''Пойтахт'' тележурнал.
14.40 ''Москва, менинг муҳаббатим'' бадиий фильми.
16.25 Олег Видов ''Киноюлдуз'' дастурида.
17.10 ''Бирга юз'' телеўйини.
18.20 ''Салом, ойижон!''
18.55 ''Ишқ макони'' ҳужжатли фильми.
20.05 Бизлар билан қолинг!.
20.10 ''Тўртлар қалби'' бадиий фильми.
22.00 Еттинчи кун.
22.50 ''Изтопар'' фильми. 1 ва 2-қисмлар.
1.25 Кечиккан кечки таом.
1.35 Бозор.
2.05 Интернет-кафе.
2.30 ''Детектив Заррас'' телесериали.

# 30 КАНАЛ ТЕЛЕАНОНСЛАРИ

**Душанба:**

21.30 — «УЧЧОВИНИ ЙЎҚОТИШ КЕРАК» (Франция). Режиссёр Жак Дерэ. Ролларда: А. Делон, Д. Ди Лаццаро, М. Оклер, С. Ренар, П. Роберт ва бошқалар. Ж.-П. Маншеттнинг «Ғарбий соҳилдан аскарликка янги олинган киши» романи асосида жангари фильм. Оддий бир француз қурол сотувчиларнинг яширин ташкилотига тасодифан кириб қолади. Ўз ҳаётини қутқаришга ҳаракат қилиб, у кўп кишиларни ўлдиришга мажбур бўлади.

00.00 — «КИЧИК ФОЖИАЛАР» («Мосфильм»). Режиссёр М. Швейцер. Ролларда: В. Висоцкий, С. Юрский, И. Смоктуновский, Л. Куравлев, Н. Белохвостикова, Л. Удовиченко. А. С. Пушкиннинг шу номли драмалари асосида суратга олинган учта новелла.

**Чоршанба:**

21.30 — «УНУТИЛГАН ШАҲАР» (АҚШ). Режиссёр С. Ирвин. Ролларда: Р. Ж. Пол, Ж. Свэнсон, Э. Дивофф. Бу фильмда оммабоп барча жанрлар: комедия, жангари тур, фантастика, даҳшатлар қоришиб кетган. Унда вақт ҳам чалкаш берилган. Американинг овлоқ ғарби: ковбойлар, шерифлар, енгилтабиат қизлар... Иккинчи томонда, ўзга сайёралик маҳлуқлар, монастирлар, киборглар, андроидлар истиқомат қилаётган Обливион (Унутилиш) шаҳарчаси. Шаҳарчага дўзахдан вакил келаётганини эшитган ерликлар билан ўзга сайёраликлар бир ёқадан бош чиқаришади.

**Пайшанба:**

21.30 — «ЧАҚИМЧИ» (Буюк Британия). Режиссёр С. Лангтон. Ролларда: М. Кейин, Ж. Гилгуд, Ж. Фокс. Драма. Ўғлининг фожиали ўлимига нима сабаб бўлганини текшираркан, ота хуфия ишларини яширишга уринган ҳукуматга қарши боришга мажбур бўлади.

00.15 — «ЗВЕРОБОЙ» («Союзтелефильм»). Режиссёр А. Ростоцкий. Ролларда: А. Хворов, П. Абдалов, Э. Мурашов, О. Мошная. Ф. Купернинг шу номли романи асосида ишланган саргузашт фильм.

**Жума:**

21.30 — «XX АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» («Горький номли к/ст). Режиссёр Б. Дуров. Ролларда: Н. Еременко, П. Вельяминов, Т. Нигматулин, Р. Арен, Н. Харахоркина, Г. Мартиросян ва бошқалар. Совет денгизчилари денгиз қароқчиларининг ҳужумини бартараф этгани тўғрисида ҳикоя қилувчи жангари фильмларидан бири.

**Шанба:**

00.15 — «ХУШҲАВО МАВСУМ» («Мосфильм» — Швейцария). Режиссёр В. Павлович. Ролларда: Ю. Будрайтис, А. Лазарев, Т. Сидоренко, И. Смоктуновский, С. Бондарчук, Ю. Яковлев, Н. Крючков ва бошқалар. Драма. Европадаги курорт шаҳарча 1938 йил . Оппоқ кемалар, ялтироқ меҳмонхоналар, кайф-сафо... Лекин бу ғамташвишсиз дунёни ич-ичидан қандайдир даҳшатли касаллик кемиради. Сабабсиз одам ўлдиришлар бошланади. Фашистлар исён кўтарадилар.

**Якшанба:**

00.15 — «ЎЛСИН ҲАЙВОН» (Франция — Италия). Режиссёр К. Шаброль. Ролларда: М. Дюшоссуа, Ж. Янн, К. Селье, А. Ферьяк, М. Ди Наполи, М. Пиала ва бошқалар. Криминал-психологик драма. Кичик шаҳарчанинг кўча ва майдонларидан учиб бораётган машина бир болани босиб кетади. Қайғудан боши эгилган, бахтсиз ота дафндан сўнг кўп ўтмай қотилни қидира бошлайди. Лекин унга фалокат юз берган жой ва автомобиль ташқи кўриниши ҳақидаги тахминий маълумотдан бошқа ҳеч нарса маълум эмас...

# Табриклаймиз!

Давлат почта хизмати бўлим бошлиғининг муовини, ички хизмат подполковниги **Анатолий Иванович Хрусталёв**ни 50 ёшга тўлиши муносабати билан табриклаймиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, шарафли вазифаларни бажаришда улкан муваффақиятлар тилаймиз.



**Давлат почта хизмати раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚББ бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги **Лутфулла Абдуллаев**ни 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚББ раҳбарияти ва шахсий таркиби.**





Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХ катта нозири, ички хизмат подполковниги **Шухратилла Ёдгорович Ортиқов**ни 40 ёшга тўлганлиги муносабати билан самимий табриклаб, сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, хизмат фаолиятида улкан зафарлар тилаймиз.

**ИИВ ШТБИХ ходимлари.**



Меҳрибон отажонимиз **Х. Набихоновга!**

Сизни табаррук юбилей кунингиз билан самимий қутлаймиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, доимо ҳурматли ва қадрли инсон бўлиб юришингизни истаймиз.

**Эҳтиром ила рафиқангиз, фарзандларингиз — Лаълихон, Лолахон, Ёқутхон, Авазхон.**

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Чилонзор тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция катта лейтенанти **Маъруфжон Турғунович ҚУДАБОЕВ**ни 30 ёшга тўлганлиги билан чин қалбдан табриклаб оилавий бахт, сиҳат-саломатлик, Ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган хайрли ишларида улкан муваффақиятлар тилайдилар.



Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармаси муассасасининг фельдшери, ички хизмат кичик лейтенанти **Раъно Ибрагимова**ни туғилган куни билан табриклаймиз. Узоқ умр, мустаҳкам соғлик шахсий ҳаётида бахт-саодат ва машаққатли, аммо шарафли хизматида улкан ютуқлар тилаймиз.

**Ҳурмат ила онанг, акаларинг.**

# ҚОИДАГА АЙЛАНГАН АНЪАНАЛАР

**Муаллиф дунё халқлари армияларининг турли даврлардаги ҳарбий анъаналари ҳақидаги мавзуни давом эттиради.**

**Ҳозирги давр ҳақида гапирадиган бўлсак, кундалик ҳаётда содир бўладиган, тантанали байрамлар ва бошқа ҳодисалар вақтидаги тантанали маросимлар билан боғлиқ бўлади.**

**Яна узоқ манбаларга мурожаат этадиган бўлсак, ҳарбий тузилманинг у ёки бу жанговар ишлари фақатгина уларнинг урф-одатигина эмаслигини таъкидлаш зарур.**

**Илгари аввалида уларнинг ҳаммаси муваффақият ва душман устидан ғалаба ато этадиган худога бағишланган бўларди.**

... Томонларнинг ғолибини аниқлаш имконини берадиган қўмондонларнинг ўзи ёки энг ботир ва жасур жангчининг яккама-якка олишуви энг қадимги одатлардан биридир.

Эрамиздан аввалги XIII асрда Троя шаҳри учун бўлган ўн йиллик уруш ҳақидаги қадимги юнон афсонасида ана шундай яккама-якка кураш тўғрисида хабар берилган. Ахиллий ва Гектор ўртасидаги бу кураш ҳақида кейинроқ Гомернинг «Илиада» достонида батафсил ҳикоя қилинган.

Жасур жангчиларнинг кўплаб яккама-якка курашлари ҳақида бизгача Таврот ривоятларидан етиб келган. Шулардан энг машҳури Голиаф ва Давид жангидир.

Қадимги Миср, Вавилон ва бошқа кўҳна дунё халқларининг ривоятларида олишув, жанглар ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

Яккама-якка олишув иштирокчилари учун шахсий ҳарбий шуҳрат жанг ҳаракатининг олий рағбати ҳисобланган. Ғолибларнинг кўплари Шер, Қоплон, Енгилмас, Лочин каби лақаблар билан аталиб, қўшинларнинг фахри ҳисобланган. Улар доимо ўз сафдошларининг олдинги қаторида, ўз уруғи ёки шахсий байроғи остида, ўз подшолигининг ёки амалдорлик кийими билан бошқалардан ажралган ҳолда борганлар.

Жангларда уларнинг ҳар бири шахсий намуна кўрсатганлар, биринчи бўлиб жангга ташланганлар, душман орасида алоҳида кўзга ташланган ҳужумчи сифатида танилганлар. Уларнинг кўплари кейинчалик халқ ривоят, афсона ва ҳикоятларининг асосий қаҳрамонига айланишган.

Шу ўринда у ёки бу подшо ёки лашкарбошининг урушни олиб бориш қонунларини белгиланишига муносабатини ҳам айтиб ўтиш керак. Уларнинг ҳар бири ўша даврдаги урушда қатнашиши, уруш бошлаш сабабини жамият олдида оқлашга ҳаракат қилган, ҳатто бу уруш жанг мудофаадан анча йироқ бўлса ҳам. Шунинг учун лашкарбошилар ўз уруғлари олдида шуҳратларининг «енгил бўлмаган юкининг» оғирлигини ўтказиш ҳаракатларига бўлган туйғуни синаб кўрганлар.

Тарих ҳар доимдагидек театр таассуротларидан йироқ бўлади. Драманинг биринчи саҳнасида чиққан қаҳрамонлар, охиригача яшамайди. Ана шундай қаҳрамонлардан бири — Буюк Александр...

Маълумки бутун дунёга ҳукмрон бўлишни фақат Александргина истамаган эди. Шу ўринда Петр! «Ватанни ҳимоя қилиш учун эмас, ўз шуҳрати учун курашган, бутун борлиққа эга бўлиш учун курашган, қандай қилиб буюк қаҳрамон бўлади?» деганда ҳақ эди.

Байроқларнинг ҳам аҳамияти муҳим бўлган. Байроқ кўтарилиб жанг бошланишидан дарак берган. Туширилганда эса жанг тамом бўлганини билдирган. Худди шундай ишора лашкарбошининг шахсий қалқонининг кўтарилиши билан англатилган. Кўпинча байроқ атрофида қақшатқич жанглар бўлган. Бир томон байроқни қўлга киритиб, топташ ва ўз байроғини кўтариш учун курашса, иккинчи томон байроғини ҳимоя қилиб, душман қўлига тушишидан асраш учун жанг қиларди.

Флотлар мустақил равишда денгиз жангини олиб боришган. Кемаларда ўрнатилган баллист ва манжаниқлар жангни бошлаб беришган. Белгиланган масофадан ўқ ва тошлар билан душманга ҳужум қилишган. Яқинлашганда эса камончилар ва найзабонлар ишга киришишган.

Кейин ўткир ва мустаҳкам бурунларнинг тумшуқ тўқнашуви бўлган. Кемалар аввалдан, мўлжални олиб, оғишмай тўғри борган. Сўнгра тўқнашган кемалар қаттиқ силкиниб бир-бирига боғланган, икки кема ўртасига кўприкчалар қўйилиб, худди қуруқликда бўлгани каби қўл жанги бошланган ва у кўпинча жанг натижасини ҳал этган.

Ўша даврлардаёқ, форсийлар, юнонлар, римликлар кўплаб денгиз флотларига эга бўлишган. Масалан, римликлар Африкага ҳарбий экспедицияларининг бирида юз минг қули бўлган 330 кема ва эшкакли кема билан боришган.

Аскарларнинг ташқи кўринишига алоҳида эътибор берилган. Масалан, эрамиздан аввалги V асрларда Эронда Кир подшолиги даврида чавандозлар ва пиёдалар чиройли кийим ва анжомларидан ташқари, душманга даҳшатли ва салобатли кўриниш учун юзларини кўрқинчли тусда бўлиши учун кўзларини бўяб олишган. Юзларининг қип-қизиллиги жангга тайёрлиги ва кучларнинг янгилигини кўрсатган.

Қадимги Шарқ лашкарларида соқол ҳам маълум аҳамиятга эга бўлган. Манбаларда ёзилишича бир аскар пастки жағидан оғир жароҳат олади ва соқолини олдириб, жароҳатни аниқлашдан кўра ҳаётига таваккал қилишни афзал кўрган.

Қадимги мисрликларда ияк четида бир тутам соч қолдириш одати бўлган. Сурииялик аскарлар эса ҳатто ясама соқол ҳам қўйиб олишган. Бу одат қатор юз йиллар давом этган ва Европа армияларида ясама сочлар пайдо бўлиши билан барҳам топган. Ва ниҳоят кераксиз сохта зийнатларни бекор қилишга журъат этганлар ҳам топилган.

Император Екатерина II-нинг севиклиси ва яқин ёрдамчиларидан бири княз Г.Потемкин ўз даврида бир оқилона фикр айтган эди. «Ҳар қандай олифтагарчиликни йўқотиш керак, чунки у дабдабабозликнинг мевасидир. Жингалак қилиш, упа сепиш; соч ўриш — булар аскарларнинг ишими? Аскар турдими, кийинди — ана шу унинг пардози бўлиши керак».

Урушни олиб боришнинг ахлоқий меъёрлари ҳам бўлган ва қўллаб-қувватланган. Масалан, Доро III подшолиги билан жангда Александр Македонскийнинг лашкарбошларидан бири Парменион кўп минг кишилик форс аскарларидан енгилгандан кейин, душманга тунда ҳужум қилишга кўндиради. Бироқ ўзига ишонган Александр шундай жавоб беради: «Мен ғалабани ўғирламайман, менга ҳийласиз ва найрангсиз, ҳалол жанг қилиш лозим бўлади».

Ҳинд подшоси Пор устидан қозонилган машаққатли ғалабадан кейин Александр унинг жасурлигини алоҳида қайд этади. Александр ундан сўрайди. «Сенга қандай мурожаат қилишим керак»? Пор эса, «Подшоларча», деб жавоб беради. Александр унинг подшолигини сақлаш билан бирга, мулкига яна ер қўшиб беради.

Қадимги лашкарбошилар ғалабага эришиш учун стратегиянинг аниқ белгиланган талабларига қатъий риоя этишган. Жумладан, Хитой лашкарбошиси Сун Цзи шундай дейди: «Агар ўзингни ва душманни яхши билсанг, юз марта жанг қилсанг ҳам хавф бўлмайди, агар ўзингни билсангу, уни билмасанг бир марта ғалаба қилишинг мумкин, кейинги гал албатта мағлуб бўласан, агар ўзингни ҳам, уни ҳам билмасанг, ҳар гал жанг қилганингда мағлубиятга учрайсан. Ҳужум қилолсанг, ҳужум қила олмайдиган ҳолатда ўзингни кўрсат. Ҳаракат қила туриб, ўзингни ҳаракатсиз қилиб кўрсат. Агар душманга яқинроқ бўлсанг, узоқда эканлигинг ҳақида уни ўйлашга мажбур қил. Агар душман дам олаётган бўлса, уни хотиржам қўйма. Урушда энг муҳими — тезкорлик».

Жангчининг жароҳат олиши асосий масалалардан бири бўлган. Жароҳатланиш икки турда ҳужум пайтида ва чекиниш пайтида бўлган. Агар ҳужум пайтида бўлса шубҳага ўрин қолмаган, чекиниш даврида бўлса, жангчининг жароҳат олган вақти, яъни чекинишга буйруқ берилгандан олдинми ёки кейинми, аниқланган.

Ўрта асрларда, худди қадимда бўлганидек, ҳарбий ишларга меҳнаткашлар оммаси киритилмаган. Чунки ҳарбий соҳа фақат мулкдорлар ҳокимиятининг мулки ҳисобланган. Европа ёки самурай рицарининг найзаси, қиличи таққослаб бўлмайдиган даражада, оддий одамларникига қараганда анча самарали бўлган, бироқ қачонки, аскар кўп йиллар давомида найза ва қилич ишлатиш бўйича мукаммал сабоқ олса ва уни доимий равишда яна мустаҳкамлаб борса. Бундай тайёргарликни олиш учун, яхшиси алоҳида ва барча имкониятларга эга оилада туғилган афзал, чунки найза ва қиличга эга бўлиб, ўсмирликнинг дастлабки йилларидан ундан фойдаланишни ўрганилади ва жангларгача, умуман бутун умр давом этади.

Кимки қуролларни ўзлаштирмоқчи, такомиллаштирмоқчи бўлса, тирикчилик юзасидан бошқа ишларга умуман вақти қолмасди.

Масалан, XI асрда таниқли ҳарбий бошлиқлардан бири Оттан Норгеймский ўз деҳқонларига, ибодат қилган нарсаларига, курашиб эриша олмасликларини уқтирарди.

1347 йилда Франция қироли Филипп VI, бундан кейин жангларга фақат дворянларни олиб боришини айтади. Шаҳарликлардан самара кам. Яхшиси улар уйда қолиб хотинлари ва болаларини қўриқласин. Ҳарбий ишларга эса фақат дворянлар ярайди, улар болаликданоқ керакли тарбияни олишади.

Ғарбда дворянларнинг ҳарбий хизмат даври аниқ белгиланган. Масалан, Англияда XIII асрда бир йилда 21-40 кун атрофида бўлган. Айрим туманларда эса шундай одат бўлган, хизматга чақирилган рицар ўзи билан маълум миқдорда чўчқа гўшти олиб борган. Гўшт тамом бўлиши билан хизмат ҳам охирига етган.

Ўрта аср меъёри бўйича бир ҳарбий феодални сақлашга бутун бир қишлоқ (30 хонадон) меҳнати талаб этилган.

Тинч даврларда катта тантана ва зўр дабдаба билан турли хил турнирлар, мусобақалар ўтказилиб турган, масалан, рицарлар чиқиши, ҳарбий ўйинлар. Мусобақанинг ҳар бир қатнашчиси якка курашнинг такомиллашган янги усулларини, рицарлик ахлоқий меъёрларини, биринчи галда ўзининг довюраклиги, жасурлиги, самимийлиги ва мурувватлилигини намойиш этган. Шу ўринда «рицар» сўзи эски олмон тилида «чавандоз» маъносини билдиришини эслатиш жоиз. Рицарлик барча рицар унвонига эга бўлган кишиларни англатади. Бундай феодал ҳуқуқ қурол олиб юрган кишиларга берилган.

Буюк тарихчи Ат-Таборийнинг қадимги сўғд одатлари ҳақидаги ҳикояси ҳозирги кунимиз учун ҳам характерлидир. Мароқандда (ҳозирги Самарқанд) ҳар йили давлат қаҳрамонини белгилаш маросими ўказилган. Столга жасур қаҳрамон учун таом ва кўзада шароб қўйилган. Майдонда даъвогарлар жангги бўлган, қайси баҳодир рақибидан ғолиб келса, келгуси даъвогар чиққунича давлат қаҳрамони бўлиб қолган.

Жанговар ҳолатларда ўзини идора қилиш, тутиш бўйича ёзилмаган, тегишли қоидалар ҳам мавжуд бўлган. Мардлик, ҳалоллик, чин сўзлик, кучсизларни, бўйдоқларни қўллаш кабилар «футтува» номини олган алоҳида кодексда ифодаланган.

Ҳарбий ўлжалар ва тўловларга келадиган бўлсак, исломгача бўлган даврда ягона принципиал қоида бўлиб, тўлов чавандозларга пиёдаларга нисбатан уч марта кўп (илгарироқ 1/2 бўлган), ҳатто 3/4 дан 4/5 гача ҳам оширилган. Шунингдек, маълум сабабларга кўра жангларда қатнашмаган (захира, қўриқлов ва бошқалар) аскарларга ҳам тегишли улуш берилган, фақат жангда ҳалок бўлганларга улуш ажратилмаган.

Тинч даврларда ҳам хизматчиларга алоҳида талаблар, қоидалар мавжуд бўлган. Агар бирор аскар, хизматдоши ёки ҳарбий бўлмаган оддий шахсга нисбатан нотўғри муносабатда бўлса, ярадор қилса, ўлдирса, «Дийя»(товон) тўлаган. Бу қоида Шарқ мамлакатларида исломгача меъёр сифатида тарқалган ва кейинчалик Исломда қабул қилинган. Ўша даврда Дийя, 100 бош туя, 200 бош қорамол, 20 минг бош қўй ёки минг динор пул бўлган. Давр, шароитга қараб Дийя миқдори ўзгариб турган.

Юқорида айтиб ўтилгандек оддий халқ ҳарбий ишларга ўргатилмаган, чунки бу ишлар фақат ҳукмрон, феодалларга хос деб ҳисобланган. Бироқ халқ ичидан маълум ҳарбий кучлар, зарурат туғилганда юртни, халқни ҳимоя қиладиган қаҳрамонлар етишиб чиққан.

Феодал жамиятнинг барча тизимларида халқ оммаси аёвсиз равишда буйсуниш, итоат этиш тартибида тарбияланган ва уларнинг жанговарлик сифатлари рад этилган, ҳар қандай ҳолатда қўллаб-қувватланмаган. О.Чехович ўзининг «1454 йилда Самарқанд мудофааси» мақоласида айтганидек: «Ўрта аср феодаллари халқ оммасининг жангларда қатнашишини хоҳлашмаган».

Мана шундай ҳолатда, шароитда халқнинг ҳарбий сифатларини намоён этишни рад қилинган. Бироқ, халқ оммасининг урушларда ўзини ўзи ҳимоя қилиш, юрт мустақиллигини сақлаб қолиш учун курашишга тўғри келган вақтлар жуда кўп бўлган. Оқсуяк анъаналари меҳнаткашлар оммасининг анъналари билан ҳисоблашолмай қолган, чунки Ватанни ҳимоя қилиш зарурати, оддий фуқаронинг ҳуқуқ ва озодлиги учун кураш ўз шартини ўтказар эди.

Давр талабига кўра феодаллар хоҳишига қарши ботирлар, жасурлар тайёрлаш доимо давом этган. Жангчиларнинг сифатлари ўргатиб борилган ва уларни турли номларда аташган, сарбадорлар, фидойилар ва ҳ.к.

Ботирлар мактаблари чуқур тарихий илдизларга эга. Уларни бир нарса боғлаб турган у ҳам бўлса Ватанга содиқлик, ҳар қандай шароитда уни ҳимоя қилиш. Ана шу асосда кейинчалик мунтазам халқ армиялари ташкил топган.

Шу ўринда ажойиб денгиз лашкарбошиси Р. Ушаковнинг фикрини эслаш жоиз: «Муносиб ҳарбий кишининг барча сифатларини қуйидаги сўзлар билан қисқача ифолаш мумкин: ҳарбий шаън, билим, ахлоқийлик. Уларда барча зарур хислатлар мужассамдир».

**Я. РАҲИМОВ**
**тайёрлади.**



Хива шаҳар ва туман ИИБнинг ДАН ходимлари ҳам ҳаракат хавфсизлиги ойлигида фаол иштирок этишяпти. Мактабларда, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ўтказилаётган учрашув ва суҳбатлар яхши самара беряпти. Йўл ҳаракати қоидалари ва хавфсизлиги борасида фуқароларга тушунтиришлар берилмоқда.

СУРАТДА: Хива шаҳар ва туман ИИБнинг ДАНБ бошлиғи, милиция катта лейтенанти Исмоил Собиров ЙПҲ нозири, милиция сержанти Бахтиёр Сапоевга навбатдаги топшириқлар бермоқда.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.

# МАСЪУЛИЯТНИ УНУТГАН ҲАЙДОВЧИЛАР

Қарши тумани ички ишлар бўлими ДАН бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Абдуазиз Эргашевдан баъзи ҳайдовчиларнинг бурч ва масъулиятни унутиб, воқеа жойидан ғойиб бўлаётгани ва айрим жиноятлар ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Туманимиз ҳудудида шаҳар ва вилоятларни туташтирувчи катта магистраль йўллар мавжуд. Транспорт воситалари қатнови йил сайин кўпаймоқда. Бу йўлларда 6 нафар йўл-патруль хизмати нозирлари фаолият кўрсатади. Улар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланмоқда. Афсуски, айрим ҳайдовчилар маст ҳолатда техника рулини бошқаришади. Айримлари эса носоз техника билан йўлга чиқиб, йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузишга сабабчи бўладилар. Шу боисдан доимий назоратни кучайтирмоқдамиз.

Ўтган йили маст ҳолда техникани бошқаргани учун 80 нафар ҳайдовчига нисбатан маъмурий баённомалар тузилди. Йўловчига тан жароҳати етказиб, унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ўрнига воқеа жойидан жўнаб қолишга уринаётганлар ҳам аниқланди. Жумладан, «Чўли Ота» жамоа ширкат хўжалигининг Дашт қишлоғи йўлида велосипед ҳайдаб кетаётган Мақсуд Мусаевни орқа тарафдан келган машина уриб кетиб, ҳайдовчи воқеа жойидан яширинади. М. Мусаев оғир тан жароҳати олиб, касалхонага тушади. ДАН ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли унинг шахси аниқланди. У Бобожон Жўраев бўлиб чиқди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

— Бировнинг шахсий мулкини ўғирлаш қонунда қатъий тақиқланган. Шунга қарамай Қарши шаҳрида яшовчи Шуҳрат Шукуровга тегишли М-412 русумли автомашинани номаълум шахс ҳайдаб қочади. У машинани Қарши — Бешкент йўлида бошқара бориб, фуқаро Шокир Мелибоевни уриб юборади. У йўлда иккинчи бир жиноятни содир этади. Тезкор қидирувлар ёрдамида машина ўғриси қўлга тушди. У ҳеч жойда ишламайдиган, муқаддам судланган Отабек Ашуров бўлиб чиқди.

Масъулиятни унутган ҳайдовчиларга асло шафқат йўқ.

**Ҳ. ЎРОЗОВ ёзиб олди.**

# ҲАМОН КУЮНЧАК

Пойтахтимиздаги 37-йўналиш бўйича қатновчи автобусда бораяпмиз. Амир Темур хиёбони яқинидаги бекатда кутиб турган ўрта бўйли, тўладан келган киши ҳайдовчига нималарнидир тушунтириб, йўл-йўриқлар берди.

— Ҳаракат хавфсизлиги бўйича бошлиғимиз Қудратилла ака бўладилар, — деди ҳайдовчи Мақсуд Ражапов автобусни жойидан жилдирар экан. — Жуда куюнчак одам. Илгари Давлат автомобиль назоратида ишлаган, ўз ишини пухта билади. Шу боис, транспортлар йўналишга доим соз чиқиши таъминланаяпти. Автосаройда 13 йилдан бери ишлаётган бўлсам бу киши ҳақида фақат мақтовлар эшитаман.

Бўлиб ўтган шу суҳбатдан сўнг Қудратилла ака билан яқиндан танишиш истаги туғилди. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига қарашли 1-автосарой ҳаракат хавфсизлиги хонасининг мукаммал жиҳозлангани эътиборимизни тортди. Бу ерда катта ва кичик йўл-транспорти тўқнашувлари, ҳафта ва соатлар бўйича содир этилган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар, автосаройдаги мавжуд комиссиялар фаолияти, транспортларнинг техник ҳолати текшируви натижалари ва бошқа жадваллар, газета тахламларини кўриш мумкин. Ҳайдовчининг тоғ шароитида транспортни қандай бошқариши кераклиги рўпарадаги тарх-



да аниқ акс эттирилган.

Истеъфодаги милиция капитани Қудратилла ака Ҳамидхўжаев дастлабки иш фаолиятини 1970 йилда Тошкент шаҳар ДАН бошқармасида оддий йўл-патруль хизмати нозирлигидан бошлаган. Чирчиқ индустриал техникумини битириб, махсус ўрта маълумот олгач, унга кичик лейтенант унвони берилди. Бу пайтда чет элдан келаётган меҳмонларни кузатувчи экскорт бўлинмасига ходимлар жамлана бошланди. Шаҳар ДАН бошқармаси бошлиғи, милиция майори Аҳмаджон Мамажоновнинг тавсияси билан уни ҳам шу хизматга олишди. Қудратилла ака мотоцикл билан фахрий қоровулликда хорижий меҳмонларга пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб кузатган дамларини фахр билан эслайди. Бу орада Ғарбий Украинадаги милиция мактабида ўқиб келди. Ҳалол ва баракали меҳнати учун «Милиция аълочиси» кўкрак нишони, юбилей медаллари билан тақдирланди. Айни пайтда нафақада бўлишига қарамай ҳамон меҳнат қучоғида куч-ғайрат кўрсатмоқда.

— Мен ишлаган пайтда Давлат автомобиль назоратида техника кам эди, — деди Қудратилла ака биз билан суҳбатда. — Бор-йўғи тўртта машина бўлиб, кўпроқ мотоциклда хизмат қилинарди. Ҳозирги кунда ДАН замонавий автомашиналар ва техника билан таъминланди. Ўша кезлари Давлат автомобиль назоратида чиниққаним ҳозир қўл келаяпти. Биз автобус, троллейбус, трамвай ва йўналишли таксиларнинг ҳаракат қоидаларига риоя этишини назорат қилиб борамиз.

Қудратилла ака масъул бўлган 1-автосаройда ҳар ойда йўналишлардаги аҳвол, хусусан, йўл белгилари, кўчаларнинг ҳолати бўйича далолатномалар ёзилиб, шаҳар ва туман ҳокимликлари, шунингдек, шаҳар ДАН бошқармасига тақдим этилади. «Йўриқнома» китобга бошқармадан келган хатлар ва уларнинг муҳокамаси натижалари рўйхатга олиб борилади.

Яна бир диққатга сазовор жойи, автосаройдаги 30 дан ортиқ «Мерседес» автобуслари учун улардан фойдаланиш маълумотномаси мавжуд. Транспорт кимга бириктирилгани, қачон авария бўлгани ва кўрилган чоралар ёзилади.

Автосаройдаги автобуслар ҳар куни йўналишга чиқаётганда уларнинг техник созлиги текширилиб, ҳайдовчиларга йўл-йўриқлар бериб борилади. Бу ва бошқа ибратли ишларнинг бошида истеъфодаги милиция капитани Қудратилла ака Ҳамидхўжаевнинг ҳам тургани фахрлидир.

**Рустам ЁДГОРОВ,**
**милиция капитани.**

# «ЙЎЛЧИРОҚ» ЧАЙНВОРДИ



Азиз муштарий! Жавобларни шаклда катта ҳажмда ёзилган рақамлар бўйича ёзинг.

1. Қатнов йўлларидаги тўхташ жойи, манзил. 2. Шаҳар транспорти тури. 3. Кўчанинг пиёдалар ҳаракати учун ажратилган қисми. 4. Қадимий транспорт воситаси бўлган от-улов ҳайдовчиси. 5. Асосан темир йўлни кесиб ўтиш жойларига ўрнатиладиган кўтарма ғов. 6. Енгил автомобиль русуми. 7. Кўчаларнинг кесишган, серқатнов жойи. 8. Кўча ва йўл қурилишида ишлатиладиган ашё. 9. Йўл назоратчиси анжоми. 10. Фарғона водийсида бунёд этилаётган улкан довон. 11. Йўл ҳаракатида тақиқловчи ранг. 12. Йўлчироқ сифатидаги илк қурилма қўлланилган Оврўподаги пойтахт шаҳар. 13. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиль русуми. 14. Қиш фаслида йўлларда ҳосил бўлиб, ноқулайлик юзага келтирадиган ҳолат. 15. Автомобилнинг ҳайдовчи ўтирадиган қисми. 16. Кўп ўринли автомобиль. 17. Кўча ҳаракатини тартибга солиб турувчи электр қурилма. 18. Йўл ҳаракатида олисга хабар бериш ёки ахборот олишда фойдаланиладиган восита, қурилма. 19. Мотоцикл русумларидан бири. 20. Юк ташишда ишлатиладиган ўзиюрар арава. 21. Автомобилнинг бошқариш дастаси. 22. Йўл транспорти воситалари сақланадиган ва таъмирланадиган маскан. 23. Йўл транспорти фалокати сабабли шикастланиш. 24. Ўзбекистон автомобили русуми.

Энди шаклдаги рақамлар ёзилган хоналардаги ҳарфлар асосида шаклнинг остки қисмидаги муаммономани ҳал этинг. Ундан транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракатини тартибга солувчи халқаро ҳужжат номи аён бўлади. Биласизми, бу ҳужжат қачон ва қайси шаҳарда қабул қилинган?

**Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.**

**«8 МАРТ» ЦИКЛОКРОССВОРДИ ВА КРИПТОГРАММАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**ЦИКЛОКРОССВОРД**: 1. «Саодат». 2. Мактаб. 3. «Жамила». 4. Палата. 5. Валюта. 6. Лавсан. 7. Масала. 8. Малака. 9. Панама. 10. Зикина. 11. Таркиб. 12. Лаззат. 13. Фируза. 14. Биллур. 15. Алиева. 16. Гавҳар. 17. Графин. 18. Латифа. 19. Медаль. 20. Индекс. 21. Наргис. 22. Рассом. 23. Кетмон. 24. Лекало. 25. Олхўри. 26. Нодира. 27. Нишона. 28. Бизнес. 29. Сервис. 30. Вараҳи. 31. Тамара. 32. Бахмал. 33. Барака. 34. Байрам. 35. Бедана.

**КРИПТОГРАММА**

Очқич сўзлар: I. Она. II. Фотиҳа. III. Сингил. IV. Ёғ. V. Тароқ. VI. Ялла. VII. Кашнич. VIII. Субҳидам.

**Ҳикматли сўзлар: «Аёлни ҳурматлаш — ҳар бир софдил киши туғилишидан бошлаб риоя қиладиган бурч».**

**ГАЗЕТАНИНГ АВВАЛГИ СОНИДА ЁРИТИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

1. Ширин. 2. Кумуш. 3. Сулув. 4. Олима. 5. Юлдуз. 6. Зуҳра. 7. Сурма. 8. Жамна. 9. Баҳри. 10. Лапар. 11. Раъно. 12. «Келин». 13. Чевар. 14. Бидун. 15. Баҳор. 16. Гажак. 17. Палак. 18. Палов. 19. Селон. 20. Бекач. 21. Сайил. 22. Тароқ. 23. Қумри. 24. Мунис. 25. Хоним. 26. Шоира. 27. Гилам. 28. Пилик.

**Муаммонома: ҲАЛИМАБОНУ.**

# ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛАМИЗ

Республика миқёсида ўтказилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ойлигига Зангиота туман ички ишлар бўлими ДАН бўлинмаси жамоаси ҳам катта тайёргарлик кўришди. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида туман ҳудудида ДАН ходимлари иш самарадорлигини ошириш учун транспорт ва пиёдалар ҳаракати, серқатнов йўллар ва жойларни аниқлаб, уларни кўрикдан ўтказдилар.

ДАН ходимлари ойлик давомида корхона ва ташкилотларнинг автохўжаликларида бўлиб, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини кўздан кечириб, бу муҳим тадбирга кенг жамоатчиликни жалб этиш мақсадида жойларда аҳоли ва ҳайдовчилар билан суҳбатлар ўтказдилар. Туман газетасида ойликнинг бориши ҳақида ахборот, мақолалар бериб борилаяпти. Туманимизда ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигини кўнгилсиз ҳодисаларсиз ўтказишни таъминлаш учун бутун куч-имкониятни ишга солаётирмиз.

**А. МАҲАМАТБЕКОВ,**
**Зангиота тумани ИИБ ДАНБ бошлиғи,**
**милиция майори.**

# Мунажжимлар башорат қилади

**16 - 22 март**

**ҚЎЙ (21 март - 20 апрель)**

Душанба ва сешанба - тиғиз кунлар. Чоршанба куни пул ишлаб олиш имконияти бор. Жума куни эски қадрдонингиз билан учрашасиз. Шанба ва якшанба кунлари муҳим ишбилармонлик муносабатлари ўрнатишингиз кутилмоқда.

**СИГИР (21 апрель - 21 май)**

Душанба кўнгилли ўтади. Кўнгилсизликлар сизни сешанба куни безовта қилади. Бироқ, чоршанба куни яхши харид кутилмоқда, пайшанба куни эса муҳим ишбилармонлик таклифи оласиз. Шанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Якшанба кунини соғлиғингизни тиклашга сарфлашни маслаҳат берамиз.

**ЭГИЗАКЛАР (22 май - 21 июнь)**

Душанба куни саломатлигингиз панд беради. Чоршанба куни эски қадрдонларингиздан хабар топасиз. Пайшанба куни молиявий ютуқни қўлга киритишингиз мумкин. Шанба кунни севимли кишингиз билан ўтказасиз. Аммо якшанба Сиз учун омадсиз кундир.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь - 23 июль)**

Душанбадан чоршанбагача соғлиғингиз бироз ёмонлашади.Жума куни имкони борича келишмовчилик келиб чиқишига йўл қўйманг. Ушбу ҳафтада якшанба куни кўнглингизга яқин киши билан бўладиган учрашув узоқ вақт ёдингизда қолади.

**АРСЛОН (24 июль - 23 август)**

Душанба Сиз учун қувончли кундир. Сешанба куни севган кишингиз билан учрашишни келишиб олинг. Жума куни йирик битим тузиш имконияти бор. Якшанба куни баҳслашмасликни маслаҳат берамиз.

**БОШОҚ (24 август - 23 сентябрь)**

Душанба ва сешанба кунлари соғлиғингиз билан боғлиқ муаммо юзага келади. Чоршанба куни хушхабар эшитасиз. Шанба куни ҳордиқ чиқариб, спорт билан шуғулланинг. Якшанба кунни дўстлар даврасида ўтказишни маслаҳат берамиз. Дарвоқе, улар муҳим янгиликни айтишади.

**ТАРОЗИ (24 сентябрь - 23 октябрь)**

Душанба куни унча кўнгилли бўлмаган янгиликлардан хабар топасиз. Чоршанба куни каттагина даромад келиши кутилмоқда. Жума ва шанба - муваффақиятли кунлардир. Якшанба куни ғаройиб саргузашт кайфиятингизни кўтариб юборади.

**ЧАЁН (24 октябрь - 22 ноябрь)**

Сешанба куни муҳим ишбилармонлик учрашуви кутилмоқда. Пайшанба куни пича пул ишлаб оласиз. Жума куни хушхабар кутинг. Шанба куни ўзингиз шубҳаланган битимларга киришмасликка маслаҳат берамиз. Якшанба куни дўстлар билан учрашувга келишиб олинг.

**ЁЙ (23 ноябрь - 21 декабрь)**

Душанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Сешанба куни моддий ютуқ кутилмоқда. Пайшанба куни келишмовчиликлар келиб чиқишига йўл қўйманг. Шанба куни ғаройиб учрашувнинг гувоҳи бўласиз. Якшанба куни Сиз учун муҳим аҳамият касб этувчи телефон қўнғироғини кутинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь - 20 январь)**

Душанба куни пул маблағига эга бўласиз. Сешанба ва пайшанба - омадли кунлардир. Чоршанба куни яқин кишингиз билан учрашув кутилмоқда. Шанба куни соғлиғингиз бироз ёмонлашади. Якшанба куни мириқиб дам оласиз.

**ҚОВҒА (21 январь - 19 февраль)**

Сешанба куни узоқ вақт кутилган харидни қиласиз. Чоршанба - ишқий саргузашт кунидир. Жума ва якшанба кунлар Сизга муваффқият келтиради. Шанба куни маблағ кутинг.

**БАЛИҚ (20 февраль - 20 март)**

Душанба омадли кундир. Чоршанба куни муваффақиятга эришасиз. Пайшанба куни муҳим телефон қўнғироғини кутинг. Кўнглингиздаги истакларингиз шанба куни рўёбга чиқади. Якшанба куни Сизнинг ҳаётингизда катта ўрин эгалловчи музокараларда иштирок этасиз.






## СУДЛАНИШ БЎЙИЧА РЕКОРД

Туринлик ёш йигит Пьеро Баэри судланиш бўйича ўзига хос рекорд ўрнатди. У бир кеча-кундуз давомида икки марта жиноят содир этиб, судланди.

Дастлаб Баэри бир қизнинг сумкасини олиб қўйганда полиция томонидан ушланди. Суд уни уч ой мудатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилди. Бироқ бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаган бу йигит суд залидан чиқиши билан бир неча ўғирлик содир этишга улгурди. Орадан бир кеча-кундуз ўтмай Пьеро Баэри яна қора курсига ўтиришга мажбур бўлди. Бу гал у 2 йилу 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

## ҚИДИРИЛМОҚДА



**Сурхондарё вилояти ИИБ, жиноят-қидирув бошқармаси томонидан ўта хавфли, оғир жиноятлар содир этиб, қочиб юрган қуйидаги шахслар қидирилмоқда.**

**Тошпўлатов Алик Маҳмудович,** 1967 йилда Термиз шаҳрида туғилган. 1992 йилда милиция олий мактабини тугатган. Спорт билан шуғулланиб келган.

**Белгилари:** бўйи 175-180 см, сочи, қоши тим қора, лаблари қалин, кўзлари катта, юзи думалоқ.

Кийимлари мавсумий.

***

**Аджибоев Жумабой Сарсанбоевич,** 1965 йилда Термиз шаҳрида туғилган, миллати қозоқ.

**Белгилари:** бўйи 172-175 см, қотмадан келган, сочи калта қора, қошлари ёйсимон, кўзлари қора қисиқ, қулоқлари катта, лаблари қалин.

Кийиниши мавсумий.

***

**Нормуродов Зиёдулло Очилович,** 1966 йилда Термиз туманида туғилган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, гавдаси тўладан келган, бақбақаси бор, юзи думалоқ, оғзи кичкина, кўзлари қора, қошлари ёйсимон.

Мавсум бўйича кийинган.

***

**Бозоров Арзиқул Турдиқулович,** 1961 йилда Термиз шаҳрида туғилган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, тўладан келган, қошлари, кўзлари қора, лаблари ингичка, қулоқлари ёпишган, қирра бурун, сочи калта.

Мавсум бўйича кийинган.

* * *

**Тўлаганов Азамат Хушвақтович,** 1973 йилда Ангор туманида туғилган. Ҳозирги яшаш жойи Термиз шаҳри, Дзержинский шоҳ кўчаси, 4-кичик даҳа, 2-мавзе, 6-уй, 3-хона.

**Белгилари:** бўйи 170-173 см, семиз, қошлари ёйсимон, сочлари калта.

Мавсум бўйича кийинган.

**Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки бирор маълумотга эга бўлган кишилардан «02» телефони орқали хабар беришларини илтимос қиламиз.**

---

**Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Ангор тумани ички ишлар бўлими қошидаги қўриқлаш бўлинмаси милиционери**

**Эркин МИРЗАЕВнинг**

**бевақт вафот этганлигини қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг ота-онаси, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.**

---

**Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент шаҳар ИИББ навбатчилик қисми тезкор навбатчиси, милиция подполковниги А. П. Солошенкога ўғли**

**Сергей СОЛОШЕНКОнинг**

**бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.**

---

**Тошкент шаҳар ИИББ ўқув маркази раҳбарияти ва ўқитувчилар жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбоновга волидаи муҳтарамаси**

**ЛЕЛИНЗА аянинг**

**вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.**


# «ПОСТДА» — «НА ПОСТУ»

*МАНЗИЛИМИЗ: 700029, Тошкент, Юнус Ражабий кўчаси, 1*

*Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.*

**Муҳаррир З. АТАЕВ.**

**Таҳрир ҳайъати:**
**З. Алматов**
**Қ. Бурхонов**
**А. Жўраев**
**Ў. Жўраев**
**Н. Исмоилов**
**Ш. Мавлянов**
**Б. Матлюбов**
**Ғ. Раҳимов**
**Э. Сатторов (масъул котиб)**

**Навбатчи С. ШОДИЕВ.**
**Мусаҳҳиҳлар: Н. Султонова, Г. Холиқова**
**Саҳифаловчи И. Двойнос.**

**ТЕЛЕФОНЛАР:** муҳаррир —139-70-40, (088) 25-25 муҳаррир ўринбосари — 139-77-23, масъул котиб — 139-77-23, мухбирлар бўлими 139-75-69.

**Факс: 54-37-91.**

Газета тарқатиш масалалари бўйича мурожаат учун: тел.: 139-70-40, факс: 54-37-91, пейжер: (088) 36-97.

**Бизнинг ҳисоб рақамимиз: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳисоб-китоб — касса марказида: 21506000200447980001, МФО 00014.**

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

**Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000021.
Буюртма Г — 01069
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 18.00.

Обуна рақами — 180.
119.297 нусхада чоп этилди

*«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

*1,2,3,4,5,6.*